ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ

---

ТИМИ

*«АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ» кафедраси*

# ИНФОРМАТИКА ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

*фанидан мустақил ишларни бажариш бўйича*

## УСЛУБИЙ КЎРСАТМА

Тошкент 2014

*Ушбу услубий кўрсатма институт Илмий-услубий кенгашининг 2014 йил «_2_» _май_ да бўлиб ўтган _7_ - сонли мажлисида кўриб чиқилди ва чоп этишга тавсия этилди.*

Услубий кўрсатма ТИМИ бакалавриатининг барча таълим йўналишлари талабалари учун мўлжалланган.

Услубий кўрсатма «Информатика ва ахборот технологиялари» фанининг намунавий дастури асосида тузилган. У мазкур фан бўйича мустақил иш топшириқлари ва уларни бажариш бўйича услубий кўрсатмаларни ўз ичига олган.


**Тузувчилар:** **С.С.Мирзаев,** доцент, т.ф.н.

**Х.Х.Каримова,** и.ф.н.

**Тақризчилар:** **З.Х.Юлдашев,** Ўзбекистон миллий университети «Информатика ва тадбиқий дастурлаш» кафедраси профессори, ф.-м.ф.д.

**Б.А.Худоёров,** т.ф.д.



**© ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ (ТИМИ), 2014**

## Кириш

Таълим тизимини ислоҳ қилишда, бўлажак олий маълумотли мутахассислардан, улар эгаллаётган касбнинг моҳияти ва ижтимоий аҳамиятини тўлиқ англаши, соҳа фаолиятини аниқлайдиган фанлар муаммоларини билишлик, улар орасидаги боғлиқликни кўра олишлик талаб қилинади.

Фанларни ўзлаштиришда ва замон талаблари даражасига жавоб берадиган мутахассислар бўлиб етишишида мустақил таълим катта аҳамиятга эга. Шу боис, ўқув режаларида мустақил ишларга ажратилган юкламалар ҳажми аудитория дарсларига нисбатан 50% ни ташкил этади.

Талабалар ўқитувчилар томонидан берилган назарий билимларни янада чуқуррок эгаллаши, ҳамда янги билимларни ўзлаштиришлари учун уларга кенг имкониятлар яратилмоқда. Мустақил таълим ва унда бажариладиган вазифалар шулар жумласидандир.

Мазкур услубий кўрсатмада "Информатика ва ахборот технологиялари" фанини ўзлаштиришда мустақил ишларни ташкил этиш, уларни бажариш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисида кўрсатмалар берилган.